

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТ СУДИНИНГ ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУДЛОВ ҲАЙЪАТИ АПЕЛЛЯЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИНИНГ АЖРИМИ

2021 йил декабрь ойининг 24 куни Жиззах вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг очиқ суд мажлиси ўз биносида,

раислик қилувчи вилоят судининг судьяси [REDACTED],
ҳайъат судьялари [REDACTED] ва [REDACTED] дан иборат таркибда,
судья катта ёрдамчиси Т.Эшонқуловнинг котиблигида, тарафлардан
прокурор [REDACTED], судланувчи АА ва унинг
ҳимоячиси [REDACTED] нинг иштирокида, жиноят ишини ААнинг
апелляция тартибидаги шикоятига асосан кўриб чиқиб, қуйидагиларни

а н и қ л а д и

Жиноят ишлари бўйича Жиззах шаҳар судининг 2016 йил 28 сентябрдаги ҳукмига кўра,

[REDACTED]
1962 йил 09 декабрь куни Сирдарё вилоят, Боёвут туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти олий, муқаддам судланмаган, оилали, 8 нафар фарзанди бор, «Жиззах Марказий Деҳқон бозори» акциядорлик жамияти раиси бўлиб ишлаган, Сирдарё вилояти, Янгиер шаҳар, 8-уй, 9-хонада рўйхатда туриб, [REDACTED] яшаб келган, унга нисбатан «Қамоққа олиш» эҳтиёт чораси қўлланилган, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 3-қисми «а» банди, 209-моддаси 2-қисми «а» банди билан ЖКнинг 45-моддасини қўллаб, ЖКнинг 59,62-моддалари тартибида 3 йил раҳбарлик ва моддий жавобгарлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилинган ҳолда 33.266.400 сўм жарима жазосига судланган.

Жиноят ишлари бўйича Жиззах вилоят суди апелляция инстанциясининг 2016 йил 28 ноябрдаги ажрими билан суд ҳукми ўзгаришсиз қолдирилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати кассация инстанциясининг 2021 йил 17 июнь кунидаги ажримига кўра, жиноят ишлари бўйича Жиззах вилоят суди апелляция инстанциясининг 2016 йил 28 ноябрь кунидаги ажрими бекор қилиниб, жиноят иши янгитдан апелляция инстанциясида кўриш учун юборилган.



Суднинг ҳукмига кўра, АА “Жиззах Марказий Деҳқон бозори” акциядорлик жамияти бошқаруви раиси лавозимида ишлаб келиб, ички ишлар идораларида ишлаб, меҳнат стажлари етгани сабабли пенсияга чиққан ББ, Ш ва Мни акциядорлик жамиятига назоратчи вазифасига ишга қабул қилиб, бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2011 йил 30 апрелда 2222-сон билан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати ва Давлат божхона қўмитасининг 2011 йил 30 мартдаги 27,26,2,84,126, 01-02/5-31-сонли қарори билан тасдиқланган “Ишловчи пенсионерларга пенсия тўлаш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 27-банди талабларига кўра, Жиззах вилоят ИИБга 5 кунлик муддатда хабар бериши ва ишга қабул қилинганлик тўғрисида буйруқ кўчирмасини тақдим этиши шартлигини билсада, агар у бу ҳақда хабар берса ва буйруқ кўчирмаларини тақдим этса, оқибатда пенсионерга тайинланган нафақанинг 100 фоиз миқдори камайтирилиб, ишловчи пенсионерга нафақа миқдорининг 50 фоизида тўланиши лозимлигини билиб, ББ Ш, Мларга 100 фоиз миқдорида нафақа тўланишини истаб, ўзганинг мулкани талон-торож қилиш мақсадида шу акциядорлик жамиятининг назоратчилари ББ, Ш ва М билан бир гуруҳ шахс бўлган ҳолда жиноий тил бириктириб, мансаб мавқеини суиистеъмол қилиб, мансабидан ғараз мақсадларда фойдаланиб, ўзининг жиноий ҳаракатлари билан 2013 йил 1 мартдан 2015 йил 1 январга қадар ББ томонидан 8.708.535 сўм, Ш томонидан 5.439.067 сўм, М томонидан 7.523.430 сўм жами 21.671.032 сўм пул маблағларини талон-торож қилган.

АА жамият бош ҳисобчиси судланувчи И билан тил бириктириб, мансаб мавқеини суиистеъмол қилиб, ўзига Жиззах туман, Гандумтош аҳоли пунктида қурилган намунавий уй-жойлардан бирини акциядорлик жамиятининг пул маблағи ҳисобидан олиш ниятида, ўзининг жиноий ҳаракатига қонуний тус бериш ва келгусида бу уй-жойни акциядорлик жамиятида назоратчи бўлиб ишловчи Ў.Бойқуловнинг номидан ўзининг номига ўтказиб олиш мақсадида Ў.Бойқулов билан АТБ “Қишлоқ қурилиш банк” Жиззах минтақавий филиали ўртасида 2013 йил 19 апрелда 245-сонли ипотека кредит бериш тўғрисида шартномани номигагина туздириб, шу шартномага асосан намунавий уй-жой учун ҳомийлик ёрдами тариқасида 2013 йил 4 июлдаги 287-сонли тўлов топшириқномаси билан 38000,0 минг сўм, 2013 йил 9 октябрдаги 637-сонли тўлов топшириқномаси билан акциядорлик жамияти ходимларининг розилигисиз, уларнинг иш ҳақи ҳисобидан 1600,0 минг сўм, 2013 йил 10 октябрдаги 638-сонли тўлов топшириқномаси билан 1500,0 минг сўм, 2013 йил 22 сентябрдаги 343-сонли тўлов топшириқномаси билан Ў.Бойқуловнинг банк кредити фоизи учун (жамият фойдаси ҳисобидан) 2000,0 минг сўм, жами 43100,0 нг сўм пул маблағини ноқонуний равишда ўтказиб бериб, ўзганинг



мулкини ўзлаштириш ва растрата қилиш йўллари билан талон-торож қилишган.

АА бош ҳисобчи И билан тил бириктириб, “Жиззах Марказий Дехқон бозори” бузилишидан чиққан яроқли узеллар, деталлар, материаллар, рангли ва қимматбаҳо металлларни бозор нархларидан арзон баҳоларда сотиб юбориб, жами 115.029.194 сўмлик ўзганинг жуда кўп миқдордаги мулкини растрата қилиш йўллари билан талон-торож қилган.

АА жамият бош ҳисобчиси И ва жиноят ишининг қисми алоҳида ажратилган шахслар билан тил бириктириб, 2014 йил апрель-май ойларида “Жиззах Марказий Дехқон бозори” акциядорлик жамиятининг 3-4-павильонлари бузилишидан чиқарилган 9.975.000 сўмлик 105 метр180 мм х 140 мм “П” шаклдаги темир турғун устунларини терговда аниқлаш имконияти бўлмаган шахсларга нақд пулга сотиб юбориб, сотувдан тушган пул маблағни ўз эҳтиёжларига ишлатиб, ўзганинг мулкини ўзлаштириш ва растрата қилиш йўли билан талон-торож қилишган.

АА бош ҳисобчи И ва жиноят ишининг қисми алоҳида ажратилган шахслар билан тил бириктириб, 2014 йил апрель-май ойларида “Жиззах Марказий Дехқон бозори” акциядорлик жамиятининг 3-4-павильонлари бузилишидан чиқарилган 1.995.000 сўмлик 21 метр180 мм х 140 мм “П” шаклдаги темир турғун устунларни терговда аниқлаш имконияти бўлмаган шахсларга нақд пулга сотиб юбориб, сотувдан тушган пул маблағни ўз эҳтиёжларига ишлатиб, ўзганинг мулкини ўзлаштириш ва растрата қилиш йўли билан талон-торож қилишган.

АА бош ҳисобчи И ва жиноят ишининг қисми алоҳида ажратилган шахслар билан тил бириктириб, 2014 йил апрель-май ойларида “Жиззах Марказий Дехқон бозори” акциядорлик жамиятининг 3-4-павильонлари бузилишидан чиқарилган 2.660.000 сўмлик 28 метр180 мм х 140 мм “П” шаклдаги темир турғун устунларни терговда аниқлаш имконияти бўлмаган шахсларга нақд пулга сотиб юбориб, сотувдан тушган пул маблағни ўз эҳтиёжларига ишлатиб, ўзганинг мулкини ўзлаштириш ва растрата қилиш йўли билан талон-торож қилганлар.

АА жиноят ишининг қисми алоҳида ажратилган шахслар билан тил бириктириб, ўзганинг мулкини талон-торож қилишлари натижасида пайдо бўлган товар-моддий қийматликлар камомadini яшириш ва унга қонуний тус бериш мақсадида гўёки бу камомад бўлган товар-моддий қийматликлар “Ф Ш, Мнинг 2015 йил 7 январдаги аризасига асосан иш ҳақи ҳисобидан берилди” деган матн остида қалбаки юк хатини расмийлаштиришиб, унга “Жиззах Марказий Дехқон бозори” акциядорлик жамияти хўжалик ишлари мудирини Ш.Фазлиддиновга мажбуран имзо қўйдириб, унинг ҳисоботидан қонунсиз чиқим қилдиришган.



АА жиноят ишининг қисми алоҳида ажратилган шахс билан тил бириктириб, “Жиззах Марказий Дехқон бозори” АЖ ўртасида 2013 йил 2 октябрда тузилган 12/13-сонли 630 КВ ГКТП ўрнатиш ва 0,4 кв.ли кабель тармоқларини ўрнатиш ҳақидаги шартномасига асосан, “Star world” КТИЧФ томонидан “Жиззах Марказий Дехқон бозори” АЖда бажарилган ишлар юзасидан тузилган 52.181.789 сўмлик бажарилган ишлар тўғрисидаги “Шакл-2” ва “Шакл-3” далолатномаларига аслида бажарилмаган 3.449.874 сўмлик иш ҳажмини қўшиб ёзиб, ўзганинг пул маблағларини ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилган.

АА “Jizzax Markaziy dexqon bozori” АЖ қошидаги “Oliy tayyorlov” шўъба корхонаси раҳбари О ва Зарафшон шаҳридаги “Victoriya” МЧЖ раҳбари судланувчи С ҳамда жиноят ишининг қисми алоҳида ажратилган шахслар билан тил бириктириб, “Ипотека-банк” АТИБ Жиззах вилоят филиали кредит комиссиясининг 2014 йил 13 декабрдаги 810-сонли йиғилиш баённомасига асосан шўъба корхонага ажратилиши режалаштирилган кредит маблағини талон-торож қилиш ва ноқонуний даромад орттириш мақсадида, 2014 йил 13 декабрь куни “Oliy tayyorlov” шўъба корхонаси собиқ раҳбари К.Хамдамов ва “Victoriya” МЧЖ раҳбари Слар ўртасида 70,0 млн. сўмлик қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етказиб бериш ҳақида 58-сонли сохта шартнома тузишиб, сўнг мазкур қалбаки шартномани банк филиалига тақдим этиш орқали, “Victoriya” МЧЖ ҳисоб-рақамига жами 70,0 млн. сўм кредит маблағи келиб тушишига эришган ва ушбу пул маблағларини нақдлаштириб ўзганинг жуда кўп миқдордаги мулкани ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилишган.

АА “Oliy tayyorlov” шўъба корхонаси раҳбари О, “Victoriya” МЧЖ раҳбари судланувчи С ва жиноят ишининг қисми алоҳида ажратилган шахслар билан тил бириктириб, ўзларининг юқорида кўрсатилган ижтимоий хавфли қилмишларини яшириш ва уларга гўёки қонуний тус бериш мақсадида 2014 йил 13 декабрдаги 58-сонли қалбаки шартномага асосан “Victoriya” МЧЖдан “Oliy tayyorlov” шўъба корхонасига 2014 йил 17 декабрдаги 123-сонли юк хатига асосан 16.907.000 сўмлик 15.370 кг картошка, 2014 йил 19 декабрдаги 138-сонли юк хатига асосан 16.962.000 сўмлик 15.420 кг картошка, 2014 йил 22 декабрдаги 141-сонли юк хатига асосан 11.979.000 сўмлик 10.890 кг картошка ва 2014 йил 24 декабрдаги 142-сонли юк хатига асосан 24.152.800 сўмлик 12.713 кг пиёз маҳсулоти етказиб берилгани ва корхона фаолиятига умуман алоқаси бўлмаган фуқаро [REDACTED] юк хатларида кўрсатилган маҳсулотни қабул қилиб олгани ҳақида сохта ҳужжатлар расмийлаштиришиб, имзоларни қалбакилаштириб қўйишган.

Бундан ташқари, улар 70 млн. сўм кредит маблағи талон-торож қилинганлиги бўйича жиноий ҳаракатларининг ошкор бўлишидан оқиб, “Jizzax Markaziy dexqon bozori” АЖ ҳудудида аҳолига қишлоқ



хўжалиги маҳсулоти савдоси билан шуғулланувчи Эва О [REDACTED] дан нақд пул эвазига картошка-пиёз маҳсулотлари сотиб олишиб, уларни омборхонага жойлаштириб, сўнг маҳсулотларни “Ипотека банк” АТИБ Жиззах филиали ходимларига кўрсатиш орқали, уларни кредит маблағи мақсадли ишлатилганига ишонтиришган.

Жиззах вилоят ИИБ ЭКБ нинг 2016 йил 30 апрелдаги 299-сонли хулосасида тадқиқотга келтирилган 2014 йил 17 декабрдаги 123-сонли, 2014 йил 19 декабрдаги 138-сонли, 2014 йил 22 декабрдаги 141-сонли ва 2014 йил 24 декабрдаги 142-сонли юк хатларидаги ёзувлар ҳамда “получил” ёзувидан кейинги имзолар фуқаро О томонидан бажарилгани кўрсатилган.

АА шикоятда, назорат тафтиш ходими текширув жараёнида “Озод Осиё баҳолаш маркази” МЧЖ томонидан бозорни бузилишидан чиққан бино ва иншоотлар ва моддий товар бойликлар инobatга олинмаганлиги, 1-2 бошқа савдо павильонларининг бузилишидан чиққан қурилиш материаллари ва бошқа товар моддий бойликлар қонунга зид равишда такрорий баҳоланганлиги, намунавий уй сотиб олиш учун пул маблағлари ўтказишга рухсат берилган “Кўк бозор” ОАЖ кузатув кенгашининг қарорини асосли деб топишликни, мулкни ўзлаштирмаганлиги, ортиқча пул маблағлари ва ойлик маошларини қайтариш ҳақида важлар келтириб, ишни одилона ҳал қилишни сўраган.

Апелляция инстанцияси суди, [REDACTED] нинг маърузасини, прокурор [REDACTED] нинг суд ҳукмини ўзгартириб, қонунга мувофиқлаштириш ҳақидаги, судланувчи АА ва унинг ҳимоячиси [REDACTED] нинг шикоятни қаноатлантириш ҳақидаги фикрларини тинглаб, иш ҳужжатларини текшириб, қуйидаги асосларга кўра, суд ҳукмини ўзгартиришни, апелляция шикоятини қисман қаноатлантиришни лозим деб исоблайди.

Апелляция инстанцияси судида АА, айбига иқдорлик билдирмасдан, у муқаддам «Жиззах Кўк бозор» ОАЖ бошқарувчиси лавозимига ишлаганлигини, фаолияти давомида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда ишлаб нафақага чиққан ходимлар ББ, М ва Шларни ишга қабул қилганлиги, кадрлар бўлими ходимлари томонидан ҳамма ҳужжатларини қабул қилиб буйруғини берганлигини, у буйруқ кўчирмасини ИИБнинг молия бўлимига топширганлигини, лекин ишга қабул қилган ББ, М ва Шларнинг буйруғини, ИИБнинг молия бўлимига топширмаганлиги эпизодига айбига иқдорлигини унга нисбатан айблов хулосани нотўғри ёзилганлиги, яъни Жиззах вилоят хокимининг йиғилишида «Кўк бозор» ОАЖга мажбурий сотиб олиш мажбурий кўйилганлиги, бозорда йиғилиш ўтказганлиги, «Кузатув кенгаши» 2013 йил 28 февраль 3-сонли қарорига ва бозор назоратчиси У уй-сотиб олиш аризасига асосан, намунали уй сотиб олиш масаласи ҳал бўлганлигини, У уйни сотиб олишида пули йўқлиги сабабли жамият пулидан пулни қайтариш шарти билан тўлаб беришни билдирганлиги «Кузатув



кенгаши» қарорида кўрсатилганлиги, 38.000.000 сўм қайтариш шарти билан ўтказилганлиги, қолган 15.000.000 унинг ойлик иш ҳаққи ва ходимларнинг иш ҳақи нотўғри қўйилганлиги, ҳозирда У томонидан ушбу зарарни тўлаб берилганлиги, ушбу эпизод буйича зарар қопланганлиги, бозордаги

1-2 повильон бўйича, «Озод-Осиё» баҳолаш маркази МЧЖ томонидан 2014 йил 31 март кунги 177-сонли хизмат кўрсатиш ҳисоб-китоб шартномасига асосан, 229-сонли ҳисоботиغا асосан 97.976.500 сўмга баҳоланганлиги, орадан 8 ой ўтганидан сўнг, текширувчилар келганлигини 1-2-повильонларни умуман баҳоланмасдан чиқарганлиги, Жиззах баҳолаш маркази МЧЖ 8 ой муқаддам объектларни ноқонуний баҳолаганлиги, «Мехринисо –Муаззам файзи» МЧЖга 19.851.000 сўмга сотганлиги, биринчи ва иккинчи повильондан чиққан материаллар ва сақланиб келинаётган материаллар Х.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертизаси маркази Сирдарё вилоят бўлинмасининг 2015 йил 15 апрелдаги Жиззах вилоят прокуратурасининг катта терговчиси, [REDACTED]нинг судга оид товаршунослик экспертизаси ўтказиш тўғрисидаги қарорига асосан биринчи ва иккинчи қурилиш повильонидан чиққан материаллар бозор баҳосида топширилганлиги, экспертиза томонидан омборда сақланиб келинаётган биринчи ва иккинчи повильондан чиққан темирлар 13.333.229 сўмга баҳоланганлигини биринчи ва иккинчи повильондан чиқариб ташланиши лозимлигини, «Жиззах баҳолаш ва консалтинг» марказида биринчи ва иккинчи повильонлари 2015 йил 19 январдаги 34-хулосасига асосан 152.023.090 сўмга баҳоланганлиги биринчи повильон 100.050.330 сўмга баҳоланиб бозор темир пластга 45.954.330 сотиб жамиятга 5.465.938 сўм, иккинчи повильон 51.972.821 сўмга баҳоланиб, Н.Синдаровга 18.710.867 сотиб жамиятга 33.261.954 сўмга жами 87.327.892 сўм зарар етказганлиги тўғрисида айб қўйилганлигини, тафтиш жараёнида биринчи ва иккинчи савдо повильонида бузилишидан чиққан қурилиш материаллари, 13.333.229 сўм Х.Сулайманова экспертизасида жами 97.976.500 сўм қолдиқ кўрсатилганлиги, Жиззах баҳолаш ва консталтинг маркази МЧЖ ўзи билан тенг ҳуқуқли «Озод-Осиё баҳолаш маркази» баҳолаш ҳисоботини бекор қилиб бозор қурилишидан чиққан қурилиш материалларидан ҳисоботларни бекор қилганлигини, тафтиш давридан 6 ойдан 8 ойгача олдин Озод –Осиё баҳолаш маркази МЧЖ бузилишидан чиққан МДФ ва қурилиш материалларни баҳолатганлигини, шартномада кўрсатилган пуларни ўтказиб ҳисоботни олганлигини баҳоловчи ташкилотлар орасида тафовут чиққанлиги сабабли уларнинг айби йўқлигини, текширувчи З.Зулфикоров 3-4 повильондан чиққан қурилиш материаллари сотилгандан қолган қисми омборда сақланаётганини билганлигини, З.Зулфикаров 3-4 повильондан чиққан қурилиш териалларини 2015 йил 28 февраль кунги инвентерезация ўтказиш



тўғрисидаги 5-сонли АЖ буйруғига асосан 2015 йил 02 мартдан 03 мартгача инвентерезация ўтказилганлиги, З.Зулфикаровнинг иштирокида ўтказилганлиги инвентарезация актида тўлиқ 3-4 повильондан чиққан қурулиш материаллар омборда сақланаётганлиги ёзилганлиги 3-4 савдо повильон «Озод-Осиё баҳолаш маркази» томонидан 212.642.600 сўмга баҳоланганлиги, 3-4 савдо повильондан чиққан қурилиш материаллари Х.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертизаси марказининг Сирдарё вилоятлари бўлинмаси томонидан 335-91-сонли хуласасига асосан 177.227.166 сўмга баҳоланганлиги [REDACTED] 3-4 повильондан учта МЧЖдан сотилган суммани жамлаб, 57.760.000 сўм 19.932.000 сўм 84.309.000 сўмга сотилганлиги Х.Сулаймонова экспертиза томонидан баҳоланган 3-4 савдо повильон суммасидан айрилганлиги 177.227.166 сўм 84.309.000 сўм 92.918.166 сўмдан чиққан 92.918.166 сум камомад деб қўйилганлиги Х.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертиза маркази 2015 йил 28 апрель кунги берилган баҳолаш хуласасига асосан жами 92.918.166 сўм зарар келтирилганлиги деб кўрсатилганлиги, 3-4 савдо повильон бозор маъмурияти томонидан 212.642.600 сўмга «Озод-Осиё» баҳолаш маркази МЧЖ томонидан 2015 йил 18 июль кунчи 154-сонли баҳолаш маълумотномасига асосан баҳоланганлиги, 6-савдо повильони Х.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертиза маркази Сирдарё вилоятлароро бўлинмаси судга оид хуласасига асосан баҳоланганлиги, бозор бўлинмасидан чиққан «Кисловодский модуль» 24x48 лит-б 96 МЧЖга профнастилсиз, «Кисловодский модуль» 24 x 24 Лит-1 пулат юксалиш МЧЖ профнастилсиз сотилганлиги, Кисловодский модуллар бузулишидан келиб чиққанлиги омборга кирим қилинганлиги ва сақланиб келинганлиги омборда сақланиб келинган 6-повильондан чиққан профнастиллар Х.Сулаймонова хулосасига асосан 1728 квм 57.694.464 сўмга баҳоланганлиги, 6-повильондан икки дона Кисловодский модуллар сотилганлигидан келиб чиққан яъни сумма 30.988.188 сўм 10.781.000 сум 41.769.188 сўм келиб чиққанлиги омборда сақланиб келаётган Кисловодский модуллар профнастик нархи чиқариб ташланмаслиги оқибатида келиб чиққанлиги, 6-повильондан олинган Кисловодский модуллар қайта тикланиб ўрнатилганлиги жами бозорга олти дона Кисловодский модуллар ўрнатилганлиги, 4-дона 27 x 27 разрядда Кисловодский модулларни ҳар бири 26.250.000 сўмдан жами 105.000.000 сўмга сотиб олиб келиб ўрнатилганлиги, пилла сабабидан ташқаридан 26.250.000 сўмга 27x27 разрядда Кисловодский модул сотиб олиниб ўрнатилганлиги уларнинг бозорда турган Кисловодский модуллар унинг 24 x 24 разрядда 43.781.026 сўмга сотиб олиб ўрнатилганлиги, баҳолаш нотўғри кўрсатилганлиги, бозорга оид таққослаш усули баҳоланаётган кўчмас-мулк билан жисмоний ва иқтисодий тавсифларга кўра улушли бўлганлиги, кўчмас-мулкга сотишга доир битимларни бозор нархлари ёки таклиф нархларини таҳлил



қилишга асосланганлиги, 5-повильондаги камомад 47.557.100 сўм бўлганлиги Х.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертизаси марказининг Сирдарё вилоятлароро бўлинмасининг 2015 йил 28 апрелдаги судга оид товаршунослик экспертизасида тақдим этилган 14-дона квадрат стойка икки томонлама $14 \times 14 = 28$ дона бир томонлама 14-дона стойка икки томонлама $13 \times 13 = 26$ дона бўлиши лозимлиги эксперт 28 дона деб икки дона кўшимча ёзилганлиги, баҳолашлар ўртасидаги тавофутлар учун баҳоловчи ташкилотлар жавоб бериши шартлиги кўрсатилганлиги, ўртада чиққан камомад пул учун улар икки хил бири баланд бири паст нархда баҳоланганлиги учун ўзлари жавобгар бўлиши шартлиги кўрсатилган, 1-2 повильони баҳоланган «Озод Осиё баҳолаш маркази» МЧЖ 229-сонли баҳолаш ҳисоботи қонуний деб топилганлиги қонун талабларига зид ҳолда нотўғри тузилганлиги, Жиззах баҳолаш Консталтинг маркази МЧЖ 34-сонли 1-2 повильони баҳолаш ҳисоботини бекор қилишни сўраганлиги, «Кук бозор» ОАЖнинг 2014 йил 07 июлдаги баённомасига янги бозор қурилиш реконструкция қилиш учун «Кузатув кенгаши»нинг 4-сонли баённомасига асосан, 4 миллиард 700 миллион сўм кредит олинганлиги, бу сумма кредит олиш учун асосий ҳужжатларида қабул қилинганлиги, 1-2 савдо повильон бўйича 1-март «Озод Осиё баҳолаш маркази» МЧЖ томонидан 31-март 2014 йилдаги 229-сонли ҳисоботига асосан 97.976.500 сўмга баҳоланган. 2-март «Жиззах баҳолаш ва консалтинг маркази» МЧЖ томонидан 152.023.000 сўмга баҳоланганлиги, баҳолаш 2015 йил 19 январда йўқ объект баҳоланганлиги, ўртадаги фарқ 54.046.590 сўмни ташкил этишлигини, тафтишчи томонидан А.Бекзод МЧЖга сотилганлиги, фуқаро Н.Синдаровга сотилганлиги, «Меҳринисо Муаззам» МЧЖга сўмлар асосий суммадан чиқариб ташланганлиги, 1-2 савдо повильон бузилишидан чиққан темир фермалар, уч маротаба Х.С.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертиза марказининг 2015 йил 28 апрелдаги №332/19.1 333/19.1-сонли ҳисоботи билан 13.333.229 сўмга баҳоланганлиги, ушбу сумма 1-2 повильон суммасидан Х.С.Сулаймонова суд экспертизаси судга оид товаршунослик экспертизаси хулосасида кўрсатилганлиги, омборда сотилмасдан сақланиб турган, 1-2 повильондан чиққан фермалар 13.333.229 сўмни чиқариб ташлашни сўраганлиги, «Озод-Осиё баҳолаш маркази» МЧЖнинг 31 март 2014 йилдаги 1-2 повильон баҳолаш юзасидан тузилган №229-сонли ҳисоботни, Ўзбекистон Республикасининг қонуни «Баҳолаш фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 19 августидagi 811-1 сонли қарори, 18-модда ҳисоботни ишончлиги «Ушбу қонунда назарда тутилган тартибда тузилган ҳисобот ишончлиги деб тан олинганлиги, баҳолаш объектининг ҳисоботида кўрсатилган қиймати, агар қонун ёки суд қарори билан бошқача тартибда белгиланган бўлмаса баҳолаш ҳусусида битим тузиш мақсади /н тавсия ҳусусиятига эга» эканлиги, ушбу қонун моддасига асосланган



ҳамда ишончли деб топширишни сўраганлиги, бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг мазкур юқорида зикр этилган қонун яъни 19-моддасида баҳолаш фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатлирини бузганлик учун жавобгарлик, баҳоловчи ташкилот шартномани бажармаганлиги ёки лозим даражада бажарганлиги оқибатида буюртмачига зарар етказганлиги учун унинг олдига жавобгар бўлишлиги, буюртмачига етказилган зарарнинг фойданинг ўрни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда, баҳоловчи ташкилот томонидан қопланиш кераклиги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 24 апрелдаги “Баҳоловчи ташкилатлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва кўрсатилаётган хизматлари учун уларнинг маъсулятини ошириши тўғрисида”ги қарори, ҳамда Ўзбекистон Республикаси қонунлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Баҳолаш фаолияти тўғрисида”ги қарорлари талаблариги бажариши шарт ва мажбур эканлигини эътироф этган ҳолда ушбу ҳолат бўйича қонуний баҳо беришни, ҳамда юқорида зикр этилган баҳоловчилар томонидан бошидан бир хил баҳоланганда тафовут келиб чиқмаслигини, уларнинг икки хил баҳолашлари оқибатида у жавобгар бўлганлиги, ушбу эпизодлар бўйича унга нисбатан оқлов ҳукм чиқаришни, агарда давлат томонидан унга нисбатан янада масъулиятли иш таклиф қилганда Ўзбекистон Республикасининг келажаги учун ишлаб беришни баён қилди. Бозор 2014 йил апрел ойида бир, иккинчи, июнь ойида учинчи, тўртинчи, ноябрь-декабрь ойларида павилонлар бузилганлиги, 2015 йилгача бозор бузиб олиб кетилганлиги, ишчилар 2015 йил январь ойида бозорнинг 6 та повилонига тааллуқли нарсаларни олиб кетишмаганлиги, ишчилар бозор балансида бўлмаган нарсаларни ишчиларга иш ҳақи ҳисобидан берилганлигини, у темирлар кимга тегишли эканлигини билмаслигини, бозор бузишда қурилиш дирекцияси ташкил қилиниб, улар томонидан иш олиб борилганлигини, улар тозалаш ишлари билан шуғулланиб келишганлигини, у бозор мулкни ўзлаштирмаганлигини баён қилиб, унга нисбатан оқлов ҳукми чиқаришни сўради.

Апелляция инстанцияси судида сўралган гувоҳ М, 1997 йил октябрь ойида 2010 йил декабрь ойига қадар ИИБ ишлаб, хизмат стажи пенсияга тўғри келганлиги сабабли хизмат пенсиясига чиққанлиги, 2013 йил март ойидан Жиззах шаҳар «Марказий деҳқон бозори» АЖга назоратчи вазифасига ишга қабул қилиниб, иш ҳақи олиб келганлиги, лекин 2015 йил 01 январга қадар Жиззах туман ИИБдан пенсиясини ҳам тўлиқ олиб келганлиги, ишга кирганлиги ҳақидаги буйруқ нусхасини унга берилганида у ушбу буйруқ нусхасини ИИБга олиб бориб бермаганлигини, у ҳам пенсияни, ҳам ойликни олиб келганлигини, текшириш жараёнида унга 2013 йил 1 мартдан 2015 йил 1 январга қадар 9.700.000 сўм пенсия нотўғри тўланганлиги аниқланганлиги, ҳозирги кунда ортиқча олган 9.700.000 сўмни ва 2.660.000 сўмни тўлиқ тўлаб



берганлигини, у ААни ишга киргандан бошлаб таниганлигини, бундан ташқари, у ойлик иш ҳақи ҳисобига темир олганлигини, шу ердаги фуқароларга сотиб юборганлигини, жами 6 та дона темирлар олганлигини, у олаётган иш ҳақига тўғирлаб берилганлигини, ҳозирги кунда бозорда ишлаб келаётганлигини, 2015 йил январь ойида қурилиш материалларини олганлигини баён қилди.

Апелляция инстанцияси судида сўралган гувоҳ Ш, у ИИБ ишлаб, хизмат стажи пенсияга тўғри келганлиги сабабли хизмат пенсиясига чиққанлигини, Жиззах шаҳар «Марказий деҳқон бозори» АЖга назоратчи вазифасига ишга қабул қилиниб, иш ҳақи олиб келганлигини, ишга кирганлиги ҳақидаги буйруқ нусхасини унга берилганида у ушбу буйруқ нусхасини ИИБга олиб бориб бермаганлигини, у ҳам пенсияни, ҳам ойликни олиб келганлигини, текшириш жараёнида унга 5.439.067 сўм пенсия нотўғри тўланганлиги аниқланганлигини, ҳозирги кунда ортиқча олган 5.439.067 сўм тўлиқ тўлаб берганлигини, бундан ташқари, у аризасига асосан ойлик иш ҳақи ҳисобидан 4 дона темирлар олиб кетганлигини, темирларни шу жойни ўзида сотиб юборганлигини баён қилди.

Апелляция инстанцияси судида сўралган гувоҳ ББ, у ИИБ ишлаб, хизмат стажи пенсияга тўғри келганлиги сабабли хизмат пенсиясига чиққанлигини, Жиззах шаҳар «Марказий деҳқон бозори» АЖга ишга қабул қилиниб, иш ҳақи олиб келганлигини, ишга кирганлиги ҳақидаги буйруқ нусхасини унга берилганида у ушбу буйруқ нусхасини ИИБга олиб бориб бермаганлигини, у ҳам пенсияни, ҳам ойликни олиб келганлигини, текшириш жараёнида унга 8.708.535 сўм пенсия нотўғри тўланганлиги аниқланганлигини, ҳозирги кунда ортиқча олган 8.708.535 сўм тўлиқ тўлаб берганлигини, унинг ушбу олган ортиқча пул маблағларидан АА манфаатдор бўлмаганлигини, бундан ташқари 9 ой ойлик олишмаганлигини баён қилди.

Апелляция инстанцияси судида сўралган гувоҳ Ф Жиззах шаҳар, Кўк бозор акциядорлик жамиятида 2014 йилдан буён раис ўринбосари вазифасида ишлаб келганлигини, 2014 йил апрель ойларида «Кўк бозор» бузилишида иштирок этганлигини, дўконлар бузилишида тадбиркорлар ўзларига тегишли бўлган материалларни олиб кетганлиги кўк бозор бузилишида вилоят ҳокими ўринбосарлари, вилоят ИИБ бошлиғи, Жиззах шаҳар ИИБ бошлиғи ва бошқа масъул шахслар бевосита бош бўлишганлиги, бозордан бузиб олинган ҳар қандай материалларни бозор худудига кирган автомашиналар орқали бозор назоратчилари иштирокида «Жиззах кон» МЧЖга ортиб юборганлигини, материалларни санаш имкони бўлмаганлигини, у 9 ой ишлаб ойлик иш ҳақини олмаганлиги сабабли иш ҳақи ҳисобида қурилиш материаллари олганлигини, олган қурилиш материалларини 3.000.000 сўмга сотиб юборганлигини, у билан боғлиқ жамиятга зарар етмаганлигини, қонуний

этибда иш ҳақи ҳисобига олмаганлигини, у “П” шаклидаги темирларни



олганлигини, қурилиш материалларини иш ҳақиға ҳисоблаб беришни сўраб ариза ёзганлигини, шунга асосан унга қурилиш материаллари берилганлигини, жами 6 та повильон бўлганлигини, у олган темирлар айнан қайси дўконга тегишли эканлигини билмаслигини баён қилди.

Апелляция инстанцияси судида сўралган гувоҳ Ў.Бойқулов, ҳозирги кунда ҳам “Жиззах Марказий Дехқон бозор” АЖда назоратчи бўлиб ишлашлигини, ҳақиқатдан ҳам у “Гандумтош” ҚФЙ худудидан намунали уй-жой сотиб олганлигини, уй учун жами 43.100.000 сўм пул маблағи ўтказиб берилганлигини, пул маблағлари қайтариб бериш шарти билан берилганлигини, ушбу пул маблағларни ҳозирги кунда тўлиқ қайтариб тўлаб берганлигини, уй-жойга айна вақтда ўзи истиқомат қилиб келишлигини баён қилди.

Апелляция инстанцияси судида сўралган гувоҳ Ш.Фазлиддинов, Жиззах шаҳар “Марказий дехқон бозори” АЖда хўжалик ишлари бўйича мудир вазифасида ишлаганлигини, бозор бузилиб, чиққан қурилиш материаллари омборга олиб бориб қўйилганлигини, бозор ходимлари томонидан олиб кетилган қурилиш материалларидан унинг хабари бўлмаганини, у ишчиларга қурилиш материаллари тарқатмаганлигини, ҳужжатларга раис имзо қўйганидан сўнг у имзо қўйиб берганлигини, у ушбу имзоларни текшириш вақтида имзолаб берганлигини, у хўжалик ишлари бўйича мудир вазифасида ишласа ҳам МЧЖда ободонлаштириш ишларига қараб туришини, унга АА фақат тозалик ишларига қараб туришини, қолган ишларга аралашмаслигини айтганлигини, хўжалик ишлари бўйича мудир вазифасини ААнинг ўзи бажарганлигини, у бу ишларга аралашмаганлигини, у 2017 йилда 500.000 сўмга яқин ойлик маоши олганлигини, у ойлиги ҳисобига қурилиш материаллари олмаганлигини, бозор бузилганда қурилиш материаллари санокдан ўтказилмаганлигини, қачонки текшириш келганидан сўнг санокдан ўтказилганлигини, у МЧЖда хўжалик ишлари бўйича мудир вазифасини бажармаганлигини баён қилди.

Апелляция инстанцияси судида сўралган гувоҳ С.Меликов, “Жиззах марказий дехқон бозори” акционерлик жамияти қошида ташкил этилган “Олий тайёрлов” шуъба корхонасига 2014 йил қишки мавсум учун асосий турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотларини заҳирасини шакллантириш мақсадида 1 йил муддатга йиллик 10 фоизи устама тўлаш шарти билан 110.000.000 сўм кредит маблағлари ажратилиши тўғрисида 2014 йил 13 декабрь куни 810-сонли кредит шартномаси тузилганлигини, шундан 70 млн. сўми қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сотиб олиш учун Навоий вилояти Зарафшон туманидаги “Victoriya” МЧЖга ўтказилганлиги, ушбу пул маблағларига қишлоқ хўжалик маҳсулотлари олиб келинганлигини, мониторинг ўз вақтида ўтказиб келинганлигини, маҳсулотларни О кўрсатганлигини, мазкур шуъба корхонаси томонидан 64.055.000 сўм кредит қопланмасдан қолинганлиги, сўнг, 2015 йил 11 август куни Ўзбекистон савдо-саноат палатаси Жиззах вилоят худудий



бошқармасы орқали фуқаролик ишлари буйича Жиззах туманлараро судига банк филиали фойдасига 64.055.000 сўм асосий карз, 192.700 сўм кредит фоизини ундириш борасида даъво ариза киритилганлиги, 2015 йил 25 сентябрь куни суднинг кредит маблағини гаров мулки ҳисобидан ундириш борасида ҳал қилув қарори чиқарилганлигини, шунга кўра, суд ижрочилари Жиззах шаҳар бўлинмасы томонидан кредит таъминоти сифатида қўйилган фуқаро З.Салахитдиновага тегишли дўкон сотилиб, сотувдан тушган маблағ ҳисобига кредит тўлиқ ундирилганлиги, кредит ишларини расмийлаштиришда ААни кўрмаганлигини, аммо мониторингга борганида кўрганлигини баён қилди.

Апелляция инстанцияси судида сўралган гувоҳ В.Эргашев, Жиззах шаҳридаги “Star world” КТИЧФнинг раҳбари бўлиб ишлаб келганлигини, “Star world” КТИЧФ билан “Жиззах марказий деҳқон бозор” АЖ ўртасида тузилган шартномага асосан жами 52.181.789 сўмлик ишлар бажарилганлигини, Шакл-2» ва «Шакл-3» далолатномаларига аслида бажарилмаган 3.449.874 сўмлик бажарилмаган ишлар қўшиб ёзилганлигини билмаслигини, у томонидан бажарилмасдан ёки чала қолган ишлар қолмаганлигини, бозор бузилиб бўлганидан сўнг уни чақириб, қилинган ишлар бўйича текширув бўлганлигини, у томонидан қилинган барча ишлар ҳам бузиб ташланганлигини, қўшиб ёзишлар қаердан келиб қолганини билмаслигини, эски бозорнинг ўрнига янги бозор қурилганидан сўнг текширувчи уни чақириб, қилинмаган ишлар қўшиб ёзилганлигини айтганлигини, у бозорда тўлиқ ишларни бажариб, келишилган пул маблағларини олганлигини баён қилди.

Апелляция инстанцияси судида сўралган гувоҳ С.Содиқов, у ўша вақтда шаҳар ҳокимининг ўринбосари, кузатув кенгаши раиси бўлиб ишлаганлигини, ҳақиқатдан ҳам Ў.Бойқуловнинг аризаси асосида уй олиши учун пул маблағлари берилганлигини, Ў.Бойқулов ариза билан ААга чиққанлигини, АА эса кузатув кенгашининг навбатдаги йиғилишини чақириб, Ў.Бойқуловнинг уйини қайтариш шarti билан бошланғич тўловини тўлаб бериш ҳақида қарорга келинганлигини, Ў.Бойқуловга жами 43.000.000 сўм берилганлигини, бу борада розилик олинганлигини, кузатув кенгашига ўша вақтда етмиш киши бўлганлигини, Ў.Бойқулов ушбу корхонада ишлаганлиги сабабли пул маблағлари берилганлигини баён қилди.

Апелляция инстанцияси судида сўралган гувоҳ С, “Виктория” МЧЖ раҳбари вазифасида ишлаб келганлигини, 2014 йилнинг декабрь ойи бошларида у кейинчалик билган АА ва бошқалар билан учрашиб, банк томонидан қишлоқ хўжалиги маҳсулоти сотиб олиш учун кредит олишаётганини, агар рози бўлса у билан шартнома тузиб, шартномага асосан кредит маблағини жамият ҳисоб рақамига ўтказишини, ўтказилган пул маблағини 10-15 фоизга қдлаштириб беришни сўраганлигини, шу вақтлари унга пул зарур



бўлгани учун рози бўлганлигини, сўнг 2014 йил 13 декабрь куни у раҳбарлик қилаётган “Victoriya” МЧЖ билан Жиззах шаҳридаги “Oliy tayyorlov” шуъба корхонаси ўртасида 70.000.000 сўмлик қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етказиб бериш ҳақида 58-сонли шартнома тузилганлигини, шартномани у ва “Oliy tayyorlov” шуъба корхонаси раҳбари томонидан имзоланганлигини, сўнг жамият ҳисоб рақамига 70.000.000 сўм келиб тушганлигини, ушбу пулни банкдан бўлиб-бўлиб нақдлаштириб олиб, ушбу пулларнинг 64.000.000 сўмини ААга бериб юборганлигини, шундан сўнг у раҳбарлик қилган жамиятдан “Oliy tayyorlov” шуъба корхонасига қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етказиб берилгани бўйича ҳужжатлар расмийлаштиришганлигини, чунки унда умуман қишлоқ ҳужалиги маҳсулоти бўлмаганлиги, юк хатларига асосан қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етказиб берилгани ҳақида ҳужжатлар расмийлаштирганликларини, ушбу ҳужжатларга ўзи имзо қўйиб, муҳр босиб берганлигини баён қилди.

Апелляция инстанцияси судида сўралган гувоҳ О, “Олий тайёрлов” шуъба корхонаси раҳбари бўлиб ишлаганлигини, у 70.000.000 сўм кредит маблағи ажратилиши ва ушбу кредит маблағи Навоий вилояти Зарафшон шаҳридаги “Виктория” МЧЖга ўтказилишида иштирок этмаганлиги, “Виктория” МЧЖ билан шартномадаги имзолар уники эмаслигини, экспертиза хулосасига қўшилмаслигини, чунки юк хатларидаги имзолар унга тегишли эмаслигини, “Олий тайёрлов” шуъба корхонасига 70.000.000 сўм кредит маблағи ажратилганидан 2015 йилнинг март ойида хабар топганлигини, ушбу ажратилган 70.000.000 сўм кредит маблағидан бирор сўм манфаатдор бўлмаганлигини, банк ходимлари картошка пиёзларни кўришга келишганида у уларга кўрсатганлигини, шу вақтда картошка, пиёзлар яроқсиз ҳолда бўлганлигини, улар расмга тушириб кетишганлигини, ушбу қишлоқ хўжалик маҳсулотлари қаердан келганлигини билмаслигини баён қилди.

Апелляция инстанцияси судида сўралган гувоҳ А.Норбоев, Х.С.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертизаси марказининг Сирдарё вилоятлараро бўлинмасининг давлат суд эксперти бўлиб ишлаб келишлигини, дастлабки тергов органи томонидан олинган Х.С.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертизаси марказининг Сирдарё вилоятлараро бўлинмасининг 2015 йил 28 апрелдаги 336/19.1-сонли Жиззах “Марказий деҳқон бозори” АЖнинг 5-павильони бузилишидан чиққан қурилиш материалларининг бозор баҳосини аниқлаш юзасидан тузилган “Судга оид таваршунослик экспертиза хулоса”си ва 2019 йил 4 сентябрь кунги Х.С.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертизаси марказининг 8441/19-сонли “Таваршунослик экспертизаси бўйича мутахассислар фикри” юзасидан иккала баҳолаш хисоботлари орасидаги ноаниқликлар ва баҳолаш нархлари юзасидан мутахассис фикрини беришга ҳақли эмаслигини, бу



ҳолатга комиссия тартибда судга оид товаршунослик экспертиза тайинлаш орқали аниқлик киритиш мумкинлигини баён қилди.

Апелляция инстанцияси судида сўралган гувоҳ З.Салоҳиддинова, ААни аввалдан танишлигини, АА унга 3 ой муддатга Жиззах шаҳар “Навоий” МФЙда жойлашган дўконини гаров сифатида беришини айтганлигини, шундан сўнг дўконнинг кредит пулини тўламасдан қарздорлик келиб чиққанлигини, АА кредит тўловлари вақтида тўлаб борилишини айтганлигини, суд бўлаётган вақтида ҳам кредит пуллари тўлашини айтганлигини, кредит тўланмаганлиги сабабли дўкон сотиб юборилганлигини, ҳозирги кунда унга 27.000.000 сўм пул берилиб қолган пуллари тўлаб беришмаганлигини, АА унга ҳамма пуллари қайтариб беришни ваъда берганлигини, у бу борада вилоят прокуратурасига бир неча мартаба мурожаат қилганлигини, О ва Сларни танимаслигини, уларни судда кўрганлигини, у фақат ААни танишлигини, дўконни кредитга қўйиш учун АА у билан келишганлигини, кейинчалик дўкон унга қайтарилиши лозимлигини, биринчи инстанция суди томонидан унинг қисми муҳокама қилинмаганлигини баён қилди.

Апелляция инстанцияси суди ААнинг шикоятда келтирган важдарини ва Ўзбекистон Республикаси Олий суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати кассация инстанциясининг ажрида кўрсатилган талабларни муҳокама қилиб қуйидагича хулосага келди:

АА шикоятда, назорат тафтиш ходими текширув жараёнида “Озод Осиё баҳолаш маркази” МЧЖ томонидан бозорни бузилишидан чиққан бино ва иншоотлар ва моддий товар бойликлар инobatга олинмаганлиги, 1-2 бошқа савдо павильонларининг бузилишидан чиққан қурилиш материаллари ва бошқа товар моддий бойликлар қонунга зид равишда такрорий баҳоланганлиги, намунавий уй сотиб олиш учун пул маблағлари ўтказишга рухсат берилган “Кўк бозор” ОАЖ кузатув кенгашининг қарорини асосли деб топишликни, мулкни ўзлаштирмаганлиги, ортиқча пул маблағлари ва ойлик маошларини қайтариш ҳақида важдар келтириб, ишни одилона ҳал қилишни сўраган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати кассация инстанциясининг ажрида, ААни ички ишлар идораларида ишлаб, меҳнат стажлари етгани сабабли пенсияга чиққан ББ, Ш ва Мни акциядорлик жамиятига назоратчи вазифасига ишга қабул қилиб, бу ҳақда Жиззах вилоят ИИБга 5 кунлик муддатда хабар бермасдан пенсионерга тайинланган нафақанинг 100 фоиз тўланишига эришиб жами 21.671.032 сўм пул маблағларини талон-торож қилганликда айблаган ҳолда шахсни ЖКнинг 167-моддасида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айблаш учун унга ишониб топширилган ва ихтиёрида бўлган ўзганинг мулки бўлиши шарт бўлган ҳолатда ББ, Ш ва Мга тўланган нафақа пуллари қандай асосларга кўра



ААга ёки ББ, Ш ва Мга ишониб топширилган ва ихтиёрида бўлган деб топганини асослангилмаганлиги;

-иш бўйича ББ ва Ш суд мажлисида умуман сўроқ қилинмаганлиги;

-суд ААни ўзига Жиззах туман, Гандумтош аҳоли пунктида қурилган намунавий уй-жойлардан бирини акциядорлик жамиятининг пул маблағи ҳисобидан олиш ниятида, жамиятда назоратчи бўлиб ишловчи Ў.Бойқуловнинг номидан ўзининг номига ўтказиб олиш мақсадида Ў.Бойқулов билан ипотека кредит шартномасини туздириб, шу шартномага асосан намунавий уй-жой учун ҳомийлик ёрдами тариқасида жами 43100,0 минг сўм пул маблағини ноқонуний равишда ўтказиб бериб, ўзганинг мулкни ўзлаштириш ва растрата қилиш йўллари билан талон-торож қилганликда айбдор деб топган ҳолда Жиззах туман, Гандумтош аҳоли пунктида қурилган намунавий уй-жой номига расмийлаштирилган Ў.Бойқуловни сўроқ қилмасдан, расмийлаштирилган ипотека кредит шартномаси ва бошқа ҳужжатларга кўра мулк Ў.Бойқуловга тегишли деб расмийлаштирилган ҳужжатларни муҳокама қилмаганлиги;

-иш бўйича тузилган ҳужжатларга кўра намунавий уй Ў.Бойқуловга тегишли бўлган ҳолда ҳомийлик ёрдами тариқасида ўтказилган пулларни нима сабабдан АА ўзлаштирган деб топганини суд ўз хулосаларида кўрсатмаганлиги;

-шунингдек иш бўйича ААни павильонлар юзасидан ва ўзининг айбсизлиги хусусида келтирган важларини биронтасини суд мажлисида муҳокама қилмасдан ҳар бир айблов бўйича ААнинг айби айнан қайси ишончли далиллар билан тасдиқланганини кўрсатиб ўтмаганлиги билдирилиб, келгусида иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар ва шикоятдаги судланганнинг важлари синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва холисона текшириб чиқирилиши, ишда мавжуд бўлган камчилик, ноаниқлик ва қарама-қаршиликлар бартараф этилиши, ААнинг барча важларини синчковлик билан ўрганиб чиқиб, ҳар бир далилга ҳуқуқий баҳо берган ҳолда иш бўйича қонуний тўхтамга келиниши кўрсатиб ўтилган.

ААнинг томонидан келтирилган важлар жиноят иши бўйича сўралган фуқаровий даъвогарлар ва гувоҳларнинг кўрсатувлари, юзлаштириш баённомалари, текшириш далолатномалари, юк хатлари, баҳолаш маълумотлари, экспертиза хулосалари, ашёвий далиллар ҳамда тергов органи ва суд мажлисида қайд этилган объектив далиллар билан инкор этилади.

Шунингдек, ААнинг 2014 йил апрель-май ойларида “Жиззах Марказий Дехқон бозор” акциядорлик жамиятининг павильонлари бузилишидан чиқарилган қурилиш материалларини нақд пулга сотиб юбориб, сотувдан тушган пул маблағни ўз эҳтиёжларига ишлатиб юбормаганлиги, қурилиш материалларининг маълум қисми “Ф Ш, Мларнинг аризаларига асосан иш ҳақи ҳисобидан берилганлиги



ҳақидаги вазлари, апелляция инстанцияси судида сўралган гувоҳ Шнинг, текшириш жараёнида унга 5.439.067 сўм пенсия нотўғри тўланганлиги аниқланганлиги, ҳозирги кунда ортиқча олган 5.439.067 сўм тўлиқ тўлаб берганлиги, бундан ташқари, у аризасига асосан ойлик иш ҳақи ҳисобидан 4 дона темирлар олиб кетганлиги, темирларни шу жойни ўзида сотиб юборганлиги ҳақидаги;

-гувоҳ Мнинг текшириш жараёнида унга 2013 йил 1 мартдан 2015 йил 1 январга қадар 9.700.000 сўм пенсия нотўғри тўланганлиги аниқланганлиги, ҳозирги кунда ортиқча олган 9.700.000 сўмни ва 2.660.000 сўмни тўлиқ тўлаб берганлиги ҳақидаги;

-гувоҳ Ф.Ибрагимовнинг ойлик иш ҳақи ҳисобида қурилиш материаллари олганлиги, олган қурилиш материалларини 3.000.000 сўмга сотиб юборганлиги, у “П” шаклидаги темирларни олганлиги, жами 6 та повильон бўлганлиги, у олган темирлар айнан қайси дўконга тегишли эканлигини билмаслиги ҳақидаги кўрсатувлари;

-“Ф Ш, Мларнинг 07.01.2015 йилдаги аризасига асосан иш ҳақи ҳисобидан берилди» деган матн остида қалбаки юк хати расмийлаштирилганлиги ҳамда ААнинг топшириғига асосан акциядорлик жамияти хўжалик ишлари мудирини Ш.Фазлиддинов имзо қўйиб бериб, қонунга зид равишда чиқим қилинганлиги ҳақидаги иш ҳужжатларида мавжуд далиллар билан рад қилинади.

Бундан ташқари, суд мажлисида судланувчи АА ва унинг ҳимоячиси М.Пардаевлар ҳам оғзаки тарзда илтимоснома киритиб, Х.С.Сулаймонова номидаги РСЭМ Сирдарё вилоятлараро бўлинмаси томонидан 28.04.2015 йил 336/19.1-сонли экспертиза хулосаси билан Жиззах “Марказий деҳқон бозори” АЖнинг 5-павильони бузилишидан чиққан 17,2 метр ферманинг бир донаси 6.615.636 сўмга баҳоланганлиги, 2019 йил 4 сентябрь кунги Х.С.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертизаси марказининг 8441/19-сонли “Товаршунослик экспертизаси бўйича мутахассислар фикри” билан Жиззах “Марказий деҳқон бозори” АЖнинг 5-павильони бузилишидан чиққан 17,2 метр ферманинг бир донаси 1.979.123 сўмга баҳоланганлиги, юқоридаги Х.С.Сулаймонова номидаги РСЭМ Сирдарё вилоятлараро бўлинмаси томонидан берилган экспертиза хулосаси билан, Х.С.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертизаси марказининг “Товаршунослик экспертизаси бўйича мутахассислар фикри” ўртасидаги баҳоланган суммаларга аниқлик киритилиб, бир дона 17,2 метр фермани нархи аниқланиши лозимлиги, шунга кўра комиссия тартибда судга оид товаршунослик экспертизаси тайинлаш тўғрисида ажрим чиқаришни сўради.

Мазкур ҳолат юзасидан апелляция инстанцияси суди қўшимча гувоҳ тариқасида давлат суд эксперти А.Норбоев сўроқ қилинганда, дастлабки тергов органи томонидан олинган Х.С.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертизаси марказининг Сирдарё вилоятлараро бўлинмасининг 2015 йил 28 апрелдаги 336/19.1-сонли Жиззах



“Марказий деҳқон бозори” АЖнинг 5-павильони бузилишидан чиққан қурилиш материалларининг бозор баҳосини аниқлаш юзасидан тузилган “Судга оид таваршунослик экспертиза хулоса”си ва 2019 йил 4 сентябрь кунги Х.С.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертизаси марказининг 8441/19-сонли “Таваршунослик экспертизаси бўйича мутахассислар фикри” юзасидан иккала баҳолаш хисоботлари орасидаги ноаниқликлар ва баҳолаш нархлари юзасидан мутахассис фикрини беришга ҳақли эмаслигини ва бу ҳолатга комиссия тартибда судга оид таваршунослик экспертиза тайинлаш орқали аниқлик киритиш мумкинлиги ҳақида кўрсатув берди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, апелляция инстанция суд томонидан 2021 йил 21 октябрдаги комиссия тартибда судга оид таваршунослик экспертиза тайинлаш тўғрисидаги ажрим чиқарилган бўлиб, экспертизани ўтказиш Х.С.Сулаймонова номидаги Республикаси Суд экспертиза марказига юклатилган.

Х.С.Сулаймонова номидаги Республикаси Суд экспертизасининг 2021 йил 15 декабрдаги хулосасига кўра, ваколатли шахснинг Хулосаси ва Фикрида баҳоланган бир хил металпрокат(трусс)нинг нархидаги фарқнинг сабаби қуйидагилар:

1. Хулосада, тўрт номдаги металл прокат 4,2 метр ва 17,2 метр узунликдаги металл труссни ташкил этувчи қисмларга бўлинмасдан баҳоланди, Сирдарё вилоятлараро бўлинмасининг Фикрида эса тузилишга киритилган ва икки хил ўлчамдаги металл труссларнинг бир қисми бўлган металл буюмларнинг қиймати белгиланган эди: 17,2 ва 4,2 метр, текшириш учун тақдим этилмаган гофрокартондан ташқари.

2. Аналогларнинг ўртача бозор қийматини аниқлаш учун эксперт Россия Интернет-сайтларини ўрганиш натижасида олинган нархлардан фойдаланган, этказиб беришнинг умумий қабул қилинган шартларини ҳисобга олган ҳолда тўлиқ алмаштириш қиймати олинган. Қолдиқ қиймат эксперт усуллари билан белгиланган жисмоний эскириш омилларини ҳисобга олган ҳолда берилган. Мутахассислар эса аналогларнинг ўртача бозор қийматини аниқлашда Ўзбекистон Республикаси қурилиш соҳасида қўлланиладиган моддий-техника ресурсларининг жорий нархлари Каталоги маълумотларидан фойдаланганлар (2014 йилларнинг 1-ярми). Яъни, ваколатли шахслар томонидан ўтказилаётган экспертиза ва Фикрлар вақти ҳар хил нарх маълумотлари ишлатилган. Мутахассислар томонидан белгиланган жисмоний эскириш омили эксперт хулосасида белгиланган эксперт хулосасидан фарқ қилади.

Юқоридаги экспертиза хулосасидан келиб чиқиб, апелляция инстанцияси суди 2019 йил 4 сентябрь кунги Х.С.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертизаси марказининг 8441/19-сонли “Таваршунослик экспертизаси бўйича мутахассислар фикри” билан баҳоланган Жиззах “Марказий деҳқон бозори” АЖнинг 5-павильони



бузилишидан чиққан 17,2 метр ферманинг бир донаси 1.979.123 сўм эмас, балки Х.С.Сулаймонова номидаги РСЭМ Сирдарё вилоятлараро бўлинмаси томонидан 28.04.2015 йил 336/19.1-сонли экспертиза хулосаси билан Жиззах “Марказий деҳқон бозори” АЖнинг 5-павильони бузилишидан чиққан 17,2 метр ферманинг бир донаси 6.615.636 сўмга баҳоланганлигини ҳисобга олишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди.

Шунингдек, ААнинг дастлабки тергов ва суд томонидан унга нисбатан “Jizzax Markaziy dexqon bozor” АЖ қошидаги “Oliy tayyorlov” шўъба корхонаси раҳбари судланувчи О, Зарафшон шаҳридаги “Victoriya” МЧЖ раҳбари судланувчи С ва жиноят ишининг қисми алоҳида ажратилган шахслар билан ўзаро олдиндан жинойий тил бириктиришиб, “Ипотека-банк” АТИБ Жиззах вилоят филиали кредит комиссиясининг 13.12.2014 йилги 810-сонли йиғилиш баённомасига асосан шўъба корхонага ажратилиши режалаштирилган кредит маблағини талон-торож қилиш ва ноқонуний даромад орттириш мақсадида, 2014 йил 13 декабрь куни “Oliy tayyorlov” шўъба корхонаси раҳбари К.Хамдамов ва “Victoriya” МЧЖ раҳбари Слар ўртасида 70,0 млн. сўмлик қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етказиб бериш ҳақида 58-сонли сохта шартнома тузишиб, сўнг мазкур қалбаки шартномани банк филиалига тақдим этиш орқали, “Victoriya” МЧЖ ҳисоб-рақамига жами 70,0 млн. сўм кредит маблағи келиб тушишига эришган ва ушбу пул маблағларини нақдлаштириб ва ўзаро тақсимлаб олиб, ўзганинг жуда кўп миқдордаги мулкани ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилганликда айбланганлиги, ушбу ҳолатда унинг мазкур кредитни ажратилишида ҳамда ишлатилишида айби йўқлиги, мазкур кредит ишларида аралашмаганлиги ҳақидаги важлари, апелляция инстанцияси судида сўралган гувоҳ С.Меликовнинг, “Жиззах марказий деҳқон бозори” акционерлик жамияти қошида ташкил этилган “Олий тайёрлов” шуъба корхонасига 2014 йил қишки мавсум учун асосий турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотларини захирасини шакллантириш мақсадида 1 йил муддатга йиллик 10 фоизи устама тўлаш шarti билан 110.000.000 сўм кредит маблағлари ажратилиши тўғрисида 2014 йил 13 декабрь куни 810-сонли кредит шартномаси тузилганлиги, шундан 70 млн. сўми қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сотиб олиш учун Навоий вилояти Зарафшон туманидаги “Victoriya” МЧЖга ўтказилганлиги, ушбу пул маблағларига қишлоқ хўжалик маҳсулотлари олиб келинганлиги, мониторинг ўз вақтида ўтказиб келинганлиги, мазкур шуъба корхонаси томонидан 64.055.000 сўм кредит қопланмасдан қолинганлиги, 2015 йил 25 сентябрь куни фуқаролик ишлари буйича Жиззах туманлараро судининг кредит маблағини гаров мулки ҳисобидан ундириш борасида ҳал қилув қарори чиқарилганлиги, шунга кўра, суд ижрочилари Жиззах шаҳар бўлинмаси томонидан кредит таъминоти сифатида қўйилган фуқаро З.Салахитдиновага тегишли дўкон сотилиб, сотувдан тушган



маблағ ҳисобига кредит тўлиқ ундирилганлиги, ААни кредит маблағини ишлатилиши бўйича мониторингга борганида кўрганлиги ҳақидаги;

-гувоҳ Снинг, “Виктория” МЧЖ раҳбари вазифасида ишлаб келганлиги, 2014 йилнинг декабрь оyi бошларида у кейинчалик билган АА ва бошқалар билан учрашиб, банк томонидан қишлоқ хўжалиги маҳсулоти сотиб олиш учун кредит олишаётгани, агар рози бўлса у билан шартнома тузиб, шартномага асосан кредит маблағини жамият ҳисоб рақамига ўтказиши, ўтказилган пул маблағини 10-15 фоизга нақдлаштириб беришни сўраганлиги, шу вақтлари унга пул зарур бўлгани учун рози бўлганлиги, сўнг 2014 йил 13 декабрь куни у раҳбарлик қилаётган “Victoriya” МЧЖ билан Жиззах шаҳридаги “Oliy tauyorlov” шуъба корхонаси ўртасида 70.000.000 сўмлик қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етказиб бериш ҳақида 58-сонли шартнома тузилганлиги, шартномани у ва “Oliy tauyorlov” шуъба корхонаси раҳбари томонидан имзоланганлиги, сўнг жамият ҳисоб рақамига 70.000.000 сўм келиб тушганлиги, ушбу пулни банкдан бўлиб-бўлиб нақдлаштириб олиб, ушбу пулларнинг 64.000.000 сўмини ААга бериб юборганлиги, шундан сўнг у раҳбарлик қилган жамиятдан “Oliy tauyorlov” шуъба корхонасига қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етказиб берилгани бўйича ҳужжатлар расмийлаштиришганлиги, чунки унда умуман қишлоқ хўжалиги маҳсулоти бўлмаганлиги, юк хатларига асосан қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етказиб берилгани ҳақида ҳужжатлар расмийлаштирилганликлари, ушбу ҳужжатларга ўзи имзо қўйиб, муҳр босиб берганлиги ҳақидаги;

-гувоҳ З.Салоҳиддиновнинг, ААни аввалдан танишлиги, АА унга 3 ой муддатга Жиззах шаҳар “Навой” МФЙда жойлашган дўконини гаров сифатида беришини айтганлиги, шундан сўнг дўконнинг кредит пулини тўламасдан қарздорлик келиб чиққанлиги, АА кредит тўловлари вақтида тўлаб борилишини айтганлиги, суд бўлаётган вақтида ҳам кредит пулларини тўлашини айтганлиги, кредит тўланмаганлиги сабабли дўкон сотиб юборилганлиги, ҳозирги кунда унга 27.000.000 сўм пул берилиб қолган пулларни тўлаб беришмаганлиги, АА унга ҳамма пулларни қайтариб беришни ваъда берганлиги, у бу борада вилоят прокуратурасига бир неча маротаба мурожаат қилганлиги, О ва Сларни танимаслиги, уларни судда кўрганлигини, у фақат ААни танишлиги, дўконни кредитга қўйиш учун АА у билан келишганлиги, кейинчалик дўкон унга қайтарилиши лозимлиги, биринчи инстанция суди томонидан унинг қисми муҳокама қилинмаганлиги ҳақидаги кўрсатувлари ҳамда ишда тўпланган далиллар ва аҳамиятга молик иш ҳужжатлари билан тўлиқ рад этилади.

Шу билан бирга дастлабки тергов органи ва суд томонидан судланувчи ААга, “Жиззах Марказий Дехқон бозор” акциядорлик жамияти бошқаруви раиси лавозимида ишлаб келиб, ички ишлар идораларида ишлаб, меҳнат стажлари етганлиги сабабли пенсия чиққан



ББ, Ш, Мларни акциядорлик жамиятига назоратчи вазифасига ишга қабул қилиб, бу ҳақида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2011 йил 30 апрелда 2222-сон билан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Фавқулдда вазиятлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати ва Давлат божхона қўмитасининг 2011 йил 30 мартдаги 27, 26, 2, 84, 126, 01-02/5-31-сонли қарори билан тасдиқланган «Ишловчи пенсионерларга пенсия тўлаш тартиби тўғрисида» ги Низомнинг 27-банди талабларига кўра, Жиззах вилоят ИИБга 5 кунлик муддатда хабар бериши ва ишга қабул қилинганлик тўғрисида буйруқ кўчирмасини тақдим этиши шартлигини билсада, агар у бу ҳақида хабар берса ва буйруқ кўчирмаларини тақдим этса, оқибатда пенсионерга тайинланган нафақанинг 100 фоиз миқдори камайтирилиб, ишловчи пенсионерга нафақа миқдорининг 50 фоизида тўланиши лозимлигини билиб, ББ Ш, Мларга 100 фоиз миқдорида нафақа тўланишини истаб, ўзганинг мулкани талон-торож қилиш мақсадида шу акциядорлик жамиятининг назоратчилари ББ, Ш ва Млар билан бир гуруҳ шахс бўлган ҳолда жинойий тил бириктириб, мансаб мавқеини суиистеъмол қилиб, мансабидан ғараз мақсадларда фойдаланиб, ўзининг жинойий ҳаракатлари билан 2013 йил 1 мартдан 2015 йил 1 январга қадар ББ томонидан 8.708.535 сўм, Ш томонидан 5.439.067 сўм, М томонидан 7.523.430 сўм, жами 3 ҳолатда 21.671.032 сўм пул маблағлари талон-торож қилишганликда айб эълон қилинган.

Апелляция инстанцияси судида сўралган гувоҳ ББ, у ИИБ ишлаб, хизмат стажи пенсияга тўғри келганлиги сабабли хизмат пенсиясига чиққанлигини, Жиззах шаҳар «Марказий деҳқон бозори» АЖга ишга қабул қилиниб, иш ҳақи олиб келганлигини, ишга кирганлиги ҳақидаги буйруқ нусхасини унга берилганида у ушбу буйруқ нусхасини ИИБга олиб бориб бермаганлигини, у ҳам пенсияни, ҳам ойликни олиб келганлигини, текшириш жараёнида унга 8.708.535 сўм пенсия нотўғри тўланганлиги аниқланганлигини, ҳозирги кунда ортиқча олган 8.708.535 сўм тўлиқ тўлаб берганлигини, унинг ушбу олган ортиқча пул маблағларидан АА манфаатдор бўлмаганлигини, бундан ташқари 9 ой ойлик олишмаганлигини баён қилди.

Гувоҳ Ш, у ИИБ ишлаб, хизмат стажи пенсияга тўғри келганлиги сабабли хизмат пенсиясига чиққанлигини, Жиззах шаҳар «Марказий деҳқон бозори» АЖга назоратчи вазифасига ишга қабул қилиниб, иш ҳақи олиб келганлигини, ишга кирганлиги ҳақидаги буйруқ нусхасини унга берилганида у ушбу буйруқ нусхасини ИИБга олиб бориб бермаганлигини, у ҳам пенсияни, ҳам ойликни олиб келганлигини, текшириш жараёнида унга 5.439.067 сўм пенсия нотўғри тўланганлиги аниқланганлигини, ҳозирги кунда ортиқча олган 5.439.067 сўм тўлиқ тўлаб берганлигини, бундан ташқари, у аризасига асосан ойлик иш ҳақи



ҳисобидан 4 дона темирлар олиб кетганлигини, темирларни шу жойни ўзида сотиб юборганлигини баён қилди.

Гувоҳ М, 1997 йил октябрь ойида 2010 йил декабрь ойига қадар ИИБ ишлаб, хизмат стажи пенсияга тўғри келганлиги сабабли хизмат пенсиясига чиққанлиги, 2013 йил март ойидан Жиззах шаҳар «Марказий дехқон бозори» АЖга назоратчи вазифасига ишга қабул қилиниб, иш ҳақи олиб келганлиги, лекин 2015 йил 01 январга қадар Жиззах туман ИИБдан пенсиясини ҳам тўлиқ олиб келганлиги, ишга кирганлиги ҳақидаги буйруқ нусхасини унга берилганида у ушбу буйруқ нусхасини ИИБга олиб бориб бермаганлигини, у ҳам пенсияни, ҳам ойликни олиб келганлигини, текшириш жараёнида унга 2013 йил 1 мартдан 2015 йил 1 январга қадар 9.700.000 сўм пенсия нотўғри тўланганлиги аниқланганлиги, ҳозирги кунда ортиқча олган 9.700.000 сўмни ва 2.660.000 сўмни тўлиқ тўлаб берганлигини баён қилди.

Юқоридагиларга кўра, апелляция инстанцияси суди, АА ББ томонидан 8.708.535 сўм, Ш томонидан 5.439.067 сўм, М томонидан 7.523.430 сўм, жами 3 ҳолатда 21.671.032 сўм пул маблағлари талон-торож қилинганлик ҳолати бўйича ушбу пул маблағларидан бирор бир манфаатдор бўлмаганлиги, ишга кирганлиги ҳақидаги буйруқ нусхасини ББ, Ш ва Млар томонидан ички ишлар идораларига тақдим этилмаганлиги оқибатида мазкур пул маблағлари ортиқча тўланишига олиб келганлиги сабабли ААнинг айбидан ушбу айб эпизодини чиқаришни лозим топади.

Шунингдек, судланувчи ААга, “Жиззах Марказий Дехқон бозор” акциядорлик жамияти бошқаруви раиси лавозимида ишлаб келиб, АЖ бош ҳисобчиси судланувчи И билан жиноий тил бириктириб, бир гуруҳ бўлиб, ўзганинг мулкани талон-торож қилиш мақсадида мансаб мавқеини суистеъмол қилиб, ўзига Жиззах туман, Гандумтош аҳоли пунктида қурилган намунавий уй-жойлардан бирини акциядорлик жамиятининг пул маблағи ҳисобидан олиш ниятида, ўзининг жиноий ҳаракатига қонуний тус бериш ва келгусида бу уй-жойни акциядорлик жамиятида назоратчи бўлиб ишловчи Ў.Бойқуловнинг номидан ўзининг номига ўтказиб олиш мақсадида Ў.Бойқулов билан АТБ «Қишлоқ қурилиш банк» Жиззах минтақавий филиали ўртасида 19.04.2013 йилда 245-сонли ипотека кредит бериш тўғрисида шартномани номигагина туздириб, шу шартномага асосан намунавий уй-жой учун ҳомийлик ёрдами тариқасида 04.07.2013 йилдаги 287-сонли тўлов топшириқномаси билан 38000,0 минг сўм, 09.10.2013 йилдаги 637-сонли тўлов топшириқномаси билан акциядорлик жамияти ходимларининг розилигисиз, уларнинг иш ҳақи ҳисобидан 1600,0 минг сўм, 10.10.2013 йилдаги 638-сонли тўлов топшириқномаси билан 1500,0 минг сўм, 22.09.2013 йилдаги 343-сонли тўлов топшириқномаси билан Ў.Бойқуловнинг банк кредити фоизи учун (жамият фойдаси ҳисобидан) 2000,0 минг сўм, жами 43100,0 минг сўм пул маблағини ноқонуний



равишда ўтказиб бериб, ўзганинг мулкани ўзлаштириш ва растрата қилиш йўллари билан талон-торож қилишганликда айб эълон қилинган.

Апелляция инстанцияси судида сўралган гувоҳ Ў.Бойқулов, ҳозирги кунда ҳам “Жиззах Марказий Дехқон бозор” АЖда назоратчи бўлиб ишлашлигини, ҳақиқатдан ҳам у “Гандумтош” ҚФЙ ҳудудидан намунали уй-жой сотиб олганлигини, уй учун жами 43.100.000 сўм пул маблағи ўтказиб берилганлигини, пул маблағлари қайтариб бериш шарти билан берилганлигини, ушбу пул маблағларни ҳозирги кунда тўлиқ қайтариб тўлаб берганлигини, уй-жойга айна вақтда ўзи истиқомат қилиб келишлигини баён қилди.

Гувоҳ С.Содиқов, у ўша вақтда шаҳар ҳокимининг ўринбосари, кузатув кенгаши раиси бўлиб ишлаганлигини, ҳақиқатдан ҳам Ў.Бойқуловнинг аризаси асосида уй олиши учун пул маблағлари берилганлигини, Ў.Бойқулов ариза билан ААга чиққанлигини, АА эса кузатув кенгашининг навбатдаги йиғилишини чақириб, Ў.Бойқуловнинг уйини қайтариш шарти билан бошланғич тўловини тўлаб бериш ҳақида қарорга келинганлигини, Ў.Бойқуловга жами 43.000.000 сўм берилганлигини, бу борада розилик олинганлигини, кузатув кенгашига ўша вақтда етмиш киши бўлганлигини, Ў.Бойқулов ушбу корхонада ишлаганлиги сабабли пул маблағлари берилганлигини баён қилди.

Юқоридагиларга кўра, апелляция инстанцияси суди, ААни “Гандумтош” аҳоли пунктида қурилган намунавий уй-жойлардан бирини акциядорлик жамиятининг пул маблағи ҳисобидан олиш ниятида, Ў.Бойқобиловнинг номига олиб, пул маблағларини ноқонуний ўтказиб, ўзганинг мулкани ўзлаштириш ва растрата қилиш йўллари билан талон-торож қилганликда айблаб бўлмаслиги, ҳозирги кунда ҳам мазкур уйда Ў.Бойқуловни ўзи яшаб келишлиги, мазкур айб эпизоди бўйича ААни ҳеч бир алоқаси йўқлиги сабабли ААнинг айбидан ушбу айб эпизодини чиқаришни лозим топади.

Судланувчи АА ўзининг айбига иқроп эмаслигини билдирган бўлсада, унинг суд ҳукмида кўрсатилган жиноятни содир қилганликдаги айби Жиззах вилоят назорат тафтиш бошқармаси томонидан тузилган текшириш далолатномаси ва унга илова қилинган ҳужжатлар, Жиззах туман молия бўлими ходимлари томонидан ўтказилган текшириш далолатномаси ва унга илова қилинган ҳужжатлар, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси ходимлари томонидан ўтказилган текшириш далолатномаси ва унга илова қилинган ҳужжатлар, “Ўздавэнергоназорат” давлат инспекцияси ходимлари томонидан ўтказилган текшириш далолатномаси ва унга илова қилинган ҳужжатлар, Жиззах вилоят ДСЭН маркази ходимлари томонидан қазилган текшириш далолатномаси ва унга илова қилинган



хужжатлар, “Ипотека банк” АТИБ Жиззах вилоят филиали ходимлари томонидан ўтказилган текшириш далолатномаси ва унга илова қилинган хужжатлар, Жиззах вилоят стандартлаштириш ва метрология бошқармаси ходимлари томонидан ўтказилган текшириш далолатномаси ва унга илова қилинган хужжатлар, Жиззах вилоят Архитектура қурилиш назорат инспекцияси ходимлари томонидан ўтказилган текшириш далолатномаси ва унга илова қилинган хужжатлар, Жиззах вилоят монополия бошқармаси ходимлари томонидан ўтказилган текшириш далолатномаси ва унга илова қилинган хужжатлар, Жиззах вилоят ер ресурслари ва давлат кадастри ходимлари томонидан ўтказилган текшириш далолатномаси ва унга илова қилинган хужжатлар, “Бегзод Полимер Пласт” МЧЖга 1-2- савдо павилонлари чиқим қилинганлиги ҳақидаги юк хати, “Ғаллаорол деҳқон бозори” МЧЖга 151 ўринли савдо павилони чиқим қилинганлиги ҳақидаги счёт фактура, Жиззах вилоят ДСБ томонидан “Жиззах марказий деҳқон бозори” АЖда ўтказилган текшириш далолатномаси ва унга илова қилинган хужжатлар, асосий воситалар ҳисоботи, техник хулоса, ишловчи пенсионерларга пенсия тўлаш тартиби, маълумотнома, банк айланмаси, ипотека шартномаси, буйруқлар ва меҳнат шартномалари, юзлаштириш баённомалари, хужжатларни олиш, ёзма далил деб эътироф этиш ва уларни ишга қўшиш тўғрисида қарор, кўздан кечириш баённомалари, судга оид товаршунослик экспертизаси хулосалари, баҳолаш ҳисоботи ва маълумотномаси, юзлаштириш баённомалари, далилий ашё деб эътироф этиш қарори ҳамда жиноят ишида тўпланган бошқа объектив далиллар билан тўлиқ исботланган.

Биринчи инстанция суди томонидан ААнинг жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 3-қисми «а» банди ва 209-моддаси 2-қисми «а» банди билан тўғри квалификация қилинган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 64-моддасида унча оғир бўлмаган жиноят содир этилган кундан бошлаб тўрт йил ўтиб кетган бўлса, шахс жавобгарликдан озод қилиниши, жавобгарликка тортиш муддати жиноят содир этилган кундан бошлаб ҳукм қонуний кучга кирган кунгача ҳисобланиши, ЖКнинг 463-моддасида мазкур жиноят учун айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилиш муддати ўтиб кетган бўлса, суд жазо тайинланмасдан айблов ҳукми чиқариши кўрсатиб ўтилган.

Судланувчи АА томонидан содир этилган, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 209-моддаси 2-қисмида назарда тутилган жиноят ЖКнинг 15-моддасига кўра, унча оғир бўлмаган жиноятлар туркумига кириб, жиноят содир этилган 2013 йил 12 февраль кунидан 2015 йил 03 май кунига қадар тўрт йилдан ортиқ вақт ўтган. Шу сабабли судланувчи ААни ушбу ЖКнинг моддаси билан жавобгарликка тортиб бўлмайди.

Апелляция инстанцияси суди, ушбу асосга кўра судланувчи ААни Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 209-моддаси 2-қисми



“а” банди билан жиноий жавобгарликка тортиш муддати ўтиб кетганлиги сабабли, ишнинг ушбу модда билан унга оид қисмини ЖПКнинг 463-моддаси 3-қисми 2-бандига асосан тайинланиши лозим бўлган жазодан озод қилишни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 4-қисми талабига мувофиқ, етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланган тақдирда озодликни чеклаш ёки озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2004 йил 21 майдаги “Жазоларни либераллаштириш тўғрисидаги қонунни иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларга нисбатан қўллашнинг айрим масалалари ҳақида”ги Қарорининг 9-бандида, ЖК 167, 168, 170, 180, 181, 181-1, 184-моддаларида назарда тутилган жиноятлар учун - жиноят оқибатида етказилган моддий зарар қопланган тақдирда, ЖК 173, 175-моддаларида назарда тутилган жиноятлар учун - жиноят оқибатида етказилган моддий зарар уч карра миқдорида қопланган тақдирда маҳкумга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш ёки озодликни чеклаш тариқасидаги жазонинг қўлланилиши истисно этилиши, шу муносабат билан қонуннинг мазкур нормаларида назарда тутилган шарт бажарилган ҳолларда тегишли апелляция, кассация, назорат инстанцияси суди, моддий зарар қайси судлов босқичида қопланганлигидан қатъи назар, қамоқда сақланаётган шахсларга нисбатан эҳтиёт чораси турини, озодликдан маҳрум қилиш ёки озодликни чеклаш жазосини ўтаётган шахсларга нисбатан эса, жазо турини ўзгартириш масаласини дарҳол ҳал этиши шартлиги ҳақида раҳбарий тушунтириш берилган.

Апелляция инстанцияси суди, биринчи инстанция суди томонидан судланувчи ААга нисбатан жазо тайинлашда унинг шахсини, оилавий аҳволини, етказилган зарар тўлиқ қопланганлигини жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолат деб эътироф этиб, етказилган зарарни тўлиқ қопланганлигини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 3-қисми “а” банди билан жарима ҳамда ЖКнинг 45-моддасига асосан раҳбарлик ва моддий-жавобгарлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиш жазосини тайинлаб, қонуний ва асосли хулосага келган.

Юқоридагиларга кўра, апелляция инстанцияси суди, суд ҳукмининг ААга оид қисмини ўзгартиришни, апелляция шикоятини қисман қаноатлантиришни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 497¹³, 497¹⁷, 497²⁶, 497³¹-моддаларига амал қилиб, апелляция инстанцияси судлов ҳайъати

А Ж Р И М Қ И Л Д И :



Жиноят ишлари бўйича Жиззах шаҳар судининг 2016 йил 28 сентябрдаги ҳукмининг [REDACTED] оид қисми ўзгартирилсин.

Судланувчи [REDACTED] Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 3-қисми “а” банди ва ЖКнинг 45-моддаси билан тайинланган жазолар ўзгаришсиз қолдирилсин.

Судланувчи [REDACTED] Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 209-моддаси 2-қисмининг “а” банди билан айбли деб топилсин ҳамда ЖПКнинг 463-моддаси 3-қисмининг 2-бандига асосан жавобгарликка тортиш муддати ўтганлиги муносабати билан жазо тайинланмасин.

ЖКнинг 59-моддаси тартибида тайинланган жазолар бекор қилинсин.

Ҳукмнинг қолган қисми ўзгаришсиз қолдирилсин.

Апелляция шикоят қисман қаноатлантирилсин.

Раислик қилувчи: **ИМЗО**

Ҳайъат судьялари: **ИМЗО**

ИМЗО

Аслига тўғри [REDACTED]

